

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АЛЛАМУРАТОВА АЙЖАМАЛ ЖУМАМУРАТОВНА

**ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРАТ КИСЛОТАСИ БИЛАН
ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ФОСФОРЛИ ВА АЗОТКАЛЬЦИЙЛИ
ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Алламуратова Айжамал Жумамуратовна

Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан қайта ишлаш асосида фосфорли ва азоткальцийли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш 3

Алламуратова Айжамал Жумамуратовна

Разработкатехнологии получения фосфорных и азотнокальциевых удобрений на основе азотнокислотной переработки Кызылкусских фосфоритов..... 24

Allamuratova Ayjamal Jumamuratovna

Development of phosphoric and nitrogencalcium fertilizers technology based on nitric acid processing Kyzylkum phosphorites..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АЛЛАМУРАТОВА АЙЖАМАЛ ЖУМАМУРАТОВНА

**ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ АЗОТ КИСЛОТАЛИ ҚАЙТА
ИШЛАШ АСОСИДА ФОСФОРЛИ ВА АЗОТКАЛЬЦИЙЛИ ЎҒИТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Т166 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эркаев Ақтам Улашевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Намазов Шафоат Саттарович
доктор технических наук, профессор,
академик

Шамшидинов Исраилжон Тургунович
доктор технических наук, доцент

Етакчи ташкилот

Навоий Давлат кончилик институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «28» феврал 2018 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертацияси билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2018 йил «17» феврал куни тарқатилди.
(2018 йил «17» февралдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

Б. С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д.

Тухтаев С.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.
профессор, академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош истиқболи тупроқни қайта ишлашнинг янги технологияларини жорий қилиш, экинларнинг юқори ҳосилдор навларини, албатта минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш билан боғлиқдир. Ўсимликлар ҳосилдорлигини белгилайдиган асосий омилларидан бири, бу фосфорли ўғитлардан фойдаланиш ҳисобланади.

Жаҳонда сифатли фосфат хом ашёси танқислиги туфайли паст навли фосфоритларни ишлаб чиқаришга жалб этиш орқали концентранган фосфорли ўғитлар технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан нитрат кислотали қайта ишлаш усуллари анча истиқболли ҳисобланади. Нитрат кислотасининг афзаллиги шундан иборатки, қаттиқ ва суюқ чиқиндилар деярли ҳосил бўлмайди, чунки HNO_3 икки тарафлама: фосфат хом ашёсидаги карбонатларни ажратиб олиш учун фаол водород иони, ҳамда суюқ ва қаттиқ ўғитларнинг асосий озунқа қисми – азот компоненти сифатида фойдаланилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кенг миқёсдаги аниқ чораларни амалга ошириш натижасида минерал ўғитлар, хусусан азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар ишлаб чиқариш технологияси соҳасида мўйян даражада назарий ва амалий натижаларга эришилди. Бу борада кузги шудгорда ва ўсимликларни қўшимча озиклантиришда қўлланиладиган фосфорли ва суюқ ўғитлар ассортиментини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикасин янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «кимё саноатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, янги турдаги технологиялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш» да маҳаллий Қизилқум фосфоритларини қазиб олиш ва бойитиш ҳамда уларни фосфорли ва суюқ комплекс ўғитларга қайта ишлаш қувватини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлар дастури тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236 сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот

республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда Марказий Қизилқум фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлаш орқали комплексли азотфосфорли ўғитлар олиш бўйича муайян хажмдаги илмий материаллар мавжуд (Набиев М.Н., Беглов Б.М., Намазов Ш.С., Амирова А.М., Таджиев С.М., Реймов А.М., Шеркузиев Д.Ш.). Марказий Қизилқум фосфоритларини тўлиқсиз меъёрдаги нитрат кислотасида парчалаш асосида нитрокальцийфосфат ўғитини олиш жараёни батафсил ўрганилган (Реймов А.М., Намазов Ш.С.). Фосфорит унини пасайтирилган меъёрдаги нитрат кислотасида парчалаш асосида қаттиқ азотфосфоркальцийли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар олиш мумкинлиги кўрсатилган (Шеркузиев Д.Ш.). Шунингдек, Қизилқум фосфоритларини олтингугурт иштирокида тўлиқсиз меъёрдаги нитрат кислотасида қайта ишлаш асосида инсектицид фаолликга эга бўлган азот-, фосфор- ва калийли мураккаб суспендирланган ўғитлар олиш жараёни ўрганилган (Собиров М.М.).

Жаҳонда Позин М.Е., Гольдинов А.Л., Малявин А.С., Эрайзер Л.Н., Савенков А.С., Lamberger M.J., Flatt R ва бошқалар табиий фосфатларни нитраткислотали қайта ишлаш ва комплекс азотфосфоркалийли ҳамда суюқ ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Аммо юқори карбонатли фосфат хом ашёсини аммоний ва кальций нитратлари айланма эритмаси билан карбонатсизлантириш, сўнгра дастлабки ишлов берилган ва бойитилган фосфоритни кальций ва аммоний нитратларининг айланма эритмалари иштирокида нитрат кислотасида парчалаш, нитрокальцийфосфатли бўтқани аммонийлаштириш ва аммонийлаштирилган бўтқани суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш йўли билан преципитат типидagi бирламчи фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитларни олиш, кальций нитрати эритмасини аммиак ва карбонат кислотаси билан конверсиялаб кальций карбонати ва аммоний нитрати эритмасини олиш, кейинчалик аммоний нитрат эритмасини дастлабки циклга қайтариш жараёнлари ҳалигача тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот режасининг 6-118 рақамли «Кальций нитрати ва аммоний монофосфатларидан озуқа фосфатларини олишнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2011 йй.) ва 12-37 рақамли “Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида концентранган азотфосфоркальцийли ўғит ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш” (2012-2014 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлаш асосида концентранган фосфорли, суюқ азоткальцийли ўғитлар ва кимёвий чўктирилган кальций

карбонати олишнинг чиқиндисиз самарадор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$\text{CaO-P}_2\text{O}_5\text{-N}_2\text{O}_5\text{-H}_2\text{O}$ системаси эрувчанлик диаграммаси асосида Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан парчалаш жараёни назарий таҳлилини ўтказиш;

$\text{NH}_4\text{NO}_3\text{-(NH}_4\text{)}_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}$, $\text{NH}_4\text{NO}_3\text{-CaCO}_3\text{-H}_2\text{O}$, $\text{Ca(NO}_3\text{)}_2\text{-CaCO}_3\text{-H}_2\text{O}$ и Ca^{2+} , $2\text{NH}_4^+ // 2\text{NO}_3^-$, $\text{CO}_3^{2-}\text{-H}_2\text{O}$ эрувчанлик системаларини ўрганиш;

паст навли фосфоритларни аммоний ва кальций нитратлари (АКН) айланма эритмаси билан дастлабки ишлов бериш жараёнини тадқиқ қилиш;

паст навли фосфоритларни дастлабки ишлов беришда ҳосил бўлган суспензиянинг реологик хоссаларини ўрганиш;

дастлабки ишлов берилган фосфоритни нитрат кислотаси билан парчалаш жараёнини ўрганиш;

дастлабки ишлов берилган фосфоритни нитраткислотали парчалашда ҳосил бўлган суспензиядан қаттиқ фазани (кальций ва аммоний фосфатлари) ажратиш жараёнини тадқиқ этиш ва унинг реологик тавсифи;

кальций нитратини аммоний карбонати билан конверсиялаш жараёнини тадқиқ қилиш;

конверсия суспензиясидан кальций карбонати ажратиб олиш жараёнини тадқиқ қилиш ва унинг реологик хоссалари;

ишлаб чиқилган технологиянинг мақбул параметрларини лаборатория модел қурилмасида синовдан ўтказиш ва унинг техник-иқтисодий ҳисоблари;

бирламчи фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар олишнинг ишлаб чиқилган технологиясини «Самарқандкимё» АЖ да тажриба-саноат синовини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти Марказий Қизилқум паст навли фосфоритлари, аммоний ва кальций нитратлари, нитрат кислотаси, газсимон аммиак, фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фосфоритларни нитрат тузлари билан ювиб фосфоконцентрат ва суюқ ўғитлар олиш жараёнлари, шунингдек фосфоконцентратни нитрат кислотаси билан парчалаш асосида концентрланган бирламчи фосфорли ўғитлар синтези ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Визуал-политермик, кимёвий, рентгенографик ва ИК-спектроскопик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аммоний ва кальций нитратлари, карбонатлари ва фосфатлари иштирокида гетероген фазали мувозанатдаги сувли системаларда қаттиқ фазаларнинг мавжуд бўлишининг концентрацион ва ҳарорат чегаралари аниқланган;

АКН айланма эритмалари билан карбонатли фосфоритларнинг кальций модулини камайтириш билан бир вақтда суспендирланган ўғитлар олишнинг усули ишлаб чиқилган;

кальций нитратини аммоний карбонат тузлари билан конверсия қилиш орқали айланма аммоний нитрати эритмаси ва кимёвий фаоллашган кальций карбонатини олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

дастлабки ишлов берилган фосфат хом ашёсини нитрат кислотаси билан парчалаш жараёнига технологик параметрлар таъсири аниқланган бўлиб, АКН иштирокида нитраткислотали экстрактни аммонийлаштириш ва бирламчи фосфорли ўғитлар олиш технологияси яратилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

паст навли карбонатли фосфоритларни АКН айланма эритмаси иштирокида нитраткислотали қайта ишлашнинг илмий асосланган усули ва технологияси ишлаб чиқилган. Бу қишлоқ хўжалиги учун кузги шудгорда қўллаш учун зарур бўлган бирламчи фосфорли ўғитлар олиш имконини беради;

бирламчи фосфорли ўғит олиш жараёнининг оралиқ маҳсулоти ҳисобланган АКН эритмаси ўсимликларни озиклантиришда суюқ азоткальцийли ўғит сифатида фойдаланилади ёки аммоний карбонати тузлари ёрдамида конверсия қилиш йўли билан фаоллашган кальций карбонатига қайта ишланади;

бирламчи фосфорли ва азоткальцийли ўғитлар олиш технологиясини йўлга қуйиш саноат ишлаб чиқаришига паст навли фосфоритларни жалб қилиш, шу орқали бирламчи ва комплекс ўғитлар ҳажми ва ассортиментини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги талабини таъминлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат синови билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Қизилқум паст навли фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлаш йўли билан янги турдаги бирламчи фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар яратишга илмий асос солинди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлаш йўли билан бирламчи фосфорли, суюқ азоткальцийли, шунингдек кимёвий фаоллашган кальций карбонатини олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Қизилқум фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бойитилмаган фосфоритларни фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитларга комплекс қайта ишлаш усулига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05335 «Юқори карбонатли фосфоритларни қайта ишлаш»). Натижада таннархи бўйича ишлаб чиқарилаётган ўғит – нитрофосга нисбатан 1,5-2 баробар арзон бўлган концентранган фосфорли ўғитлар олиш имконини берган;

преципитат типдаги фосфорли ўғитлар ва суюқ азоткальцийли ўғитлар олиш технологияси «Самарқандкимё» АЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» акционерлик жамиятининг 2018 йил 29 январдаги №01/3-

401/II сонли маълумотномаси). Бунда юқори карбонатли паст навли фосфоритларни нитрат кислотасида юқори иқтисодий самарадорлик билан қайта ишлаш асосида концентранган фосфорли ҳамда суюқ ўғитларни ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 11 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий нашр этилган ва 1 та ЎЗР Давлат патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Қизилқум фосфоритларининг физик-кимёвий тавсифи ва уларни қайта ишлаш усуллари**» Марказий Қизилқум фосфоритлари физик-кимёвий тавсифи, уларни бойитишнинг ҳар хил усуллари кўриб чиқилган. Кальций ва аммоний фосфати, нитрати ва карбонатларидан ташкил топган физик-кимёвий системаларни ўрганилганлик ҳолати, паст навли фосфат хом ашёсини фосфорли ва мураккаб комплекс ўғитларга қайта ишлашнинг классик ва ноанъанавий усуллари таҳлил қилинган. Олдин қилинган ишлар натижалари таҳлили асосида паст навли фосфоритларни фосфорли ва суюқ комплекс ўғитларга қайта ишлаш имконияти асосланган, мазкур тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқотнинг кимёвий ва физик-кимёвий усуллари**» тадқиқот объектлари тавсифи ва тажрибаларни ўтказиш усуллари келтирилган. Марказий Қизилқум карбонатли фосфоритларидан фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш учун $\text{CaO-P}_2\text{O}_5\text{-N}_2\text{O}_5\text{-H}_2\text{O}$ мураккаб сувли тузли системасининг фазавий мувозанати назарий таҳлил қилинди ва тадқиқотнинг асосий технологик параметрларини ўзгартириш оралиқлари аниқланди.

Фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитларни олиш учун тажрибаларда хом ашё сифатида Қизилқум комбинатидан келтирилган таркибида (оғир. %): 17,10 P_2O_5 ; 46,30 CaO ; 1,78 MgO ; 1,09 Fe_2O_3 ; 1,33 Al_2O_3 ; 15,90 CO_2 ; 1,87 F ; $CaO : P_2O_5 = 2,71$; $P_2O_{5\text{ўзл.}} : P_2O_{5\text{умум.}} = 18,49$ бўлган фосфорит уни олинди. Уни парчалаш учун эса ҳар хил концентрациядаги HNO_3 , нейтрализатор сифатида эса газсимон NH_3 ишлатилди.

Бунинг учун энг аввал оддий фосфорит уни кўракчали аралаштиргич билан таъминланган, ҳажми 200 мл бўлган реакторда 60 дақиқа давомида $30^\circ C$ да фосфат хом ашёсига нитрат кислотаси билан ишлов бериш босқичидан қайтарилган АКН айланма эритмалари (нитрат тузларининг 50 %-ли эритмаси) билан ишлов берилди. Бундан кейин олинган суспензия 4-6 дақиқа давомида тиндирилди ва суспензиянинг юқори қисми қуюқлаштирилган массадан ажратилди. Қуюқлаштирилган масса филтрланди ва чўкма $100^\circ C$ ҳароратда қуритилди. Қуюқлаштирилган массанинг қаттиқ ва қуруқ фазаси – бу одатда таркиби: $P_2O_5 - 19,10\%$; $CaO - 46,96\%$; $CaO : P_2O_5 = 2,46$ бўлган ювиб қуритилган фосфоконцентратдир.


Тайёр ўғитлар олиш мақсадида ушбу фосфоконцентратни унинг карбонат ва фосфат қисмларига ҳисобланган нитрат кислотаси билан парчаланди. 56% концентрацияли нитрат кислотаси ишлатилди. Реакцион масса компонентларининг ўзаро таъсирлашув давомийлиги $40^\circ C$ да 30 мин ташкил этди. Ҳосил бўлган қуюқ нитраткислотали бўтқани олдиндан тайёрланган аммоний ва кальций нитратлари айланма эритмаси (АКНАЭ) билан $K:C = 1:3$ нисбатда суюлтирилди. Бўтқа газсимон аммиак билан нейтралланди ва суюқ фаза қаттиқ фазадан ажратиб олинди, кейингиси сув билан ювилди, $95-100^\circ C$ да қуритилди ва таҳлил қилинди. Суюқ фаза, яъни ўзида АКН эритмасини намоён қилувчи эритма аммоний карбонати билан кальций карбонатига конверсияга учратилди.

Рентгенографик таҳлил кобальтли филтрдаги нурланишда ДРОН-3.0 дифрактометрида ўтказилди. Тадқиқ қилинаётган намуналарнинг ИҚ-спектрлари SPECORD-75 IR спектрометрида $400-4000\text{ см}^{-1}$ частоталар оралиғида ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи бобида «Паст навли фосфоритларни қайта ишлаш ресурстежамкор технологиясининг физик-кимёвий асослари» паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлашнинг мақбул шароитларини топиш учун $CaO-P_2O_5-N_2O_5-H_2O$, $NH_4NO_3-(NH_4)_2CO_3-H_2O$, $Ca(NO_3)_2-CaCO_3-H_2O$ системаларида, шунингдек $Ca^{2+}/2$, $NH_4^+ // NO_3^-$, $H_2CO_3^- - H_2O$ ўзаро таъсирлашув системасида ҳосил бўлган қаттиқ ва суюқ фазаларнинг эрувчанлиги ўрганилди.

1-расмда фосфат хом ашёсининг нитрат кислотасида эриш чизиғи орқали ўтувчи $H_6(NO_3)_6-H_6(PO_4)_2-Ca_3(PO_4)_2-Ca_3(NO_3)_6$ квадратиға перпендикуляр бўлган текислик билан $CaO-P_2O_5-N_2O_5-H_2O$ системасида $50^\circ C$ даги эрувчанлик изотермасининг кесими кўрсатилган. Ушбу текислик кальций нитратининг кристалланиш юзаси ва кўрсатилган тузларнинг тўйинган эритмасига мос келувчи e_1 , d_1 , a_1 , v_1 , c_1 , z_1 ва z_1 , $ж_1$ чизиклари буйича кесишади. z_1 ва $ж_1$ нуқталари бир вақтнинг ўзида иккита тузлар: метастабил мувозанатли


$\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ва $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O} + \text{CaHPO}_4$ билан тўйинган эритмаларни акс эттиради. \mathcal{J}_1 , \mathcal{B}_1 ва \mathcal{Z}_1 , \mathcal{B}_1 чизиклари кристалланиш ҳажмдаги $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O} + \text{CaHPO}_4$ ва метастабил мувозанатдаги $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чегараларга жавоб беради.



**1-расм. $\text{CaO-P}_2\text{O}_5\text{-N}_2\text{O}_5\text{-H}_2\text{O}$ нинг 50°C да эрувчанлик изотермаси.
P – фосфорит уни таркибининг фигуратив нуктаси.**

Нитраткислотали экстракт таркиби фигуратив нуқталарининг ҳолатидан хулоса қилиш мумкинки, фосфоритни концентрацияси 59% дан ошиы нитрат кислотасининг 105 %-ли стехиометрик меъёрида парчалашда монокальцийфосфат билан тўйинган эритма ҳосил бўлади (A_4'' и A_4'''), аммо меъёрнинг стехиометриядан камайиши фигуратив нуқтани $S\mathcal{J}$ чизиғига силжитади, бунда суюқ фаза моно- ва дикальцийфосфат билан тўйинади. Фосфоритнинг тўлиқ парчалашга эса нитрат кислотасининг стехиометриядан оширилган меъёрларида эришиш мумкин.

Паст навли Қизилқум фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлашда ҳосил бўладиган кальций нитрат эритмасидан фойдаланишнинг мумкин бўлган йўлларида бири уни аммоний карбонати тузлари билан конверсияси ҳисобланади:




Унинг технологик асоси кальций ва аммоний нитрати ва карбонатидан ташкил топган тўртламчи ўзаро сувли системаси ҳамда уни ташкил этувчи учламчи системаларнинг физик-кимёвий хоссаларига асосланган. Кальций нитрати конверсиясини мувозанат ҳолати тавсифи ва шароитларини аниқлаш учун адабиётларда бир қатор маълумотлар (бир-бирига зид бўлган маълумотлар) бўлишига қарамасдан Ca^{2+} , $2\text{NH}_4^+//2\text{NO}_3^-$, $\text{CO}_3^{2-}\text{-H}_2\text{O}$ ўзаро система диаграммасига аниқлик киритиш ва умумлаштириш мақсадида дастлаб тўртта тузларнинг: CaCO_3 , $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$, $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$, NH_4NO_3 эрувчанлиги ва тузларнинг биргаликдаги сувда эрувчанлиги аниқланди.

Бунинг учун 0 дан 40°C гача оралиқларда муз, α , β ва γ модификациялардаги NH_4NO_3 , $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3\cdot\text{H}_2\text{O}$ ва $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ кристалланиш майдонлари чегараланган $\text{NH}_4\text{NO}_3\text{-(NH}_4)_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}$ системаси ўрганилди. $\text{NH}_4\text{NO}_3\text{-(NH}_4)_2\text{CO}_3\text{-H}_2\text{O}$ системаси эрувчанлик диаграммаси таҳлили кўрсатдики, у оддий эвтоник типига мансуб ва унинг компонентлари бир-бирига ўзаро чўктирувчи таъсир кўрсатади, ўрганилган $-(20)\text{-}50^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиқларида янги бирикмалар ҳосил бўлиши кузатилмади. Ҳарорат кўтарилиши билан иккиламчи ва учламчи нукталарнинг сифат ва миқдорий таркиби ўзгаради, улар юқори ҳарорат шароитларида кам барақарорликка эга α , β ва γ модификациялардаги NH_4NO_3 , $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3\cdot\text{H}_2\text{O}$ ва $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ нинг қаттиқ фаза сифатида йўқолиши ҳисобланади.

$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\text{-CaCO}_3\text{-H}_2\text{O}$ эрувчанлиги политермик диаграммасини қуриш мақсадида еттита ички кесимлар тадқиқ қилинди. Бинар системалар политермалари ва $(-27,2)$ дан 50°C гача бўлган ҳароратларда ички кесимлар маълумотлари бўйича ушбу системанинг эрувчанлик диаграммаси қурилди, бунда муз, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\cdot 4\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\cdot 3\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ва CaCO_3 ларнинг кристалланиш майдонлари чегараланди. Кальций карбонати $(-27,2)$ дан 42°C гача ҳароратлар оралиғида $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\cdot 4\text{H}_2\text{O}$, $42,0 \div 48,3^\circ\text{C}$ ҳароратлар оралиғида эса $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\cdot 3\text{H}_2\text{O}$ билан биргаликда кристалланади. Ўрганилган системада дастлабки компонентларнинг ўзаро таъсирлашувида янги кимёвий бирикмалар ҳосил бўлмайди ва у оддий эвтоник типига мансубдир.

Назарий таҳлил ва экспериментал маълумотлар асосида биринчи мартаба 30 ва 60°C да $\text{Ca}^{2+}/2\text{NH}_4^+//2\text{NO}_3^-$, $\text{CO}_2\text{-H}_2\text{O}$ ўзаро системаларининг эрувчанлик диаграммаси қурилиб, у кальций нитратининг аммоний карбонати билан CaCO_3 ва NH_4NO_3 га конверсияси мақбул шароитларини топишга имкон берди.

Бу диаграмма ўзида система политермасининг горизонтал проекциясини намоён қилади (2-расм). Изотермада 30°C да CaCO_3 , $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\cdot 3\text{H}_2\text{O}$, NH_4NO_3 ва $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ дан ташкил топган тўртта кристалланиш майдони бўлади, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эса 60°C да $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ кўринишида кристалланади.



2-расм. $\text{Ca}^{2+}, 2\text{NH}_4^+ // \text{CO}_3^{2-}, 2\text{NO}_3^- - \text{H}_2\text{O}$ системасининг 30°C даги эрувчанлик диаграммаси.

Ушбу системанинг жуфт тузлар эрувчанлиги кўпайтмасини таққослашдан келиб чиқадики, жуфт $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$, $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ эрувчанлик кўпайтмаси $\text{CaCO}_3 + 2\text{NH}_4\text{NO}_3$ жуфтидан кўпдир, шунинг учун дастлабки $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$, $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ тузлар дастлабки жуфти беқарор бўлади, демак бу тузлар қаттиқ фазада биргаликда бўла олмайди (1-жадвал).

1-жадвал

$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2 + (\text{NH}_4)_2\text{CO}_3 \rightleftharpoons \text{CaCO}_3 + 2\text{NH}_4\text{NO}_3$ системаси тузларининг барқарор жуфтини аниқлаш

Ҳарорат, $^\circ\text{C}$	Эрувчанлик, моль/1000 моль сув				Эрувчанлик кўпайтмаси	
	$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$	$(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$	CaCO_3	NH_4NO_3	$[\text{Ca}(\text{NO}_3)_2 \cdot (\text{NH}_4)_2\text{CO}_3]$	$[\text{CaCO}_3 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3]$
30	179,06	177,17	0,0414	540,31	$31,794 \cdot 10^3$	7,618
60	513,82	258,89	0,0198	959,26	$133,023 \cdot 10^3$	18,993

Демак, 30 ва 60°C да $31,794 \cdot 10^3 > 7,618$; $133,023 \cdot 10^3 > 18,993$ тенгсизлигидан тузларнинг барқарор жуфти $\text{CaCO}_3 + (\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ ҳисобланади; $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ва $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ тузлари беқарор жуфт ҳисобланади, яъни бу тузлар эритма иштирокида қаттиқ фазада биргаликда мавжуд бўла олмайди.

Кальций нитрати ва аммоний карбонатининг CaCO_3 ва NH_4NO_3 ҳосил бўлиш билан алмашилиб парчаланиш жараёни амалиёт нуқтаи назардан икки томонлама: $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ва $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ фойдаланиш коэффициенти буйича

тавсифланади. Даствлабки эритмада $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ нинг $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ га нисбатининг камайишида NH_4^+ буйича чиқим камайди, Ca^{2+} буйича эса ортади.

Ҳисоблар кўрсатдики, CaCO_3 нинг мутлоқ чиқими деярли бир хил. $\frac{(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3}{\text{Ca}(\text{NO}_3)_2} \leq 1-1,1$ нисбатда Ca^{2+} ва NH_4^+ сарф даражаси 99,0% га етади.

Мақбул ҳарорат 30-60⁰С ораликларида бўлади. Бунда CaCO_3 нинг максимал чиқими – 99,8% га эришилади.

Тўртинчи бобда «Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини қайта ишлаш жараёни тадқиқоти» камбағал фосфат хом ашёсини (ФХ) нитраткислотали қайта ишлаш йўли билан фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар олиш жараёни ўрганилган.

Ишнинг даствлабки босқичида оддий фосфорит унидаги кальций модулини пасайтириш, шу орқали P_2O_5 миқдорини ошириш мақсадида даствлабки бойитилган фосфоритни нитрат кислотаси билан парчалаш босқичидан қайтарилган аммоний ва кальций нитратлари (АКН) айланма эритмаси билан ишлов берилди. Таъкидлаш лозимки, фосфат хом ашёсидаги $\text{CaO} : \text{P}_2\text{O}_5$ ни 0,1 га пасайтириш кислота реагенти сарфини 7-8% га қисқартиришга имкон беради.

Бойитилмаган фосфорит унини АКН айланма эритмалари (АЭ) билан карбонатсизлантириш жараёни АЭ:ФХ нисбати 3:1 дан 6:1 гача ва $N_{\text{аммиак}} : N_{\text{нитрат}} = 0,2 \div 0,8$ тенг нисбатларда 60 дақиқа ва 30⁰С ҳароратда олиб борилди. Бунда АКНАЭ нинг реологик хоссаларига ҳарорат ва таркибнинг таъсири тадқиқ этилди. Натижалар кўрсатдики, айланма эритмаларнинг зичлик ва қовушқоқлигига эритма концентрацияси ва $N_{\text{аммиак}} : N_{\text{нитрат}}$ нисбати анча сезиларли таъсир кўрсатади. Ишлов бериш жараёнидан кейин нитрокальцийфосфат бўтқаси 4-6 дақиқа давомида тиндирилди, кейин суспензиянинг устки қисми қуюқлашган массадан ажратилди. Қуюқлаштирилган масса филтрланди ва 95-100⁰С ҳароратда қуритилди. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

АЭ:ФХ ва $N_{\text{аммиак}} : N_{\text{нитрат}}$ даствлабки нисбатларининг ювиб қуритилган фосфоконцентрат таркибига таъсири

АЭ:ФХ нинг даствлабки нисбати	$N_{\text{амм}} : N_{\text{нитр}}$	Қуритилган чўкманинг кимёвий таркиби, оғир. %						$\frac{\text{CaO}}{\text{P}_2\text{O}_5}$
		$\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум}}$	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл}}$	$\text{CaO}_{\text{умум}}$	$\text{CaO}_{\text{ўзл}}$	$\text{CaO}_{\text{сув}}$	N	
3:1	0,8	19,37	9,36	48,42	31,81	3,06	0,64	2,50
	0,5	18,56	8,94	46,77	31,08	3,64	0,69	2,52
	0,2	18,27	8,77	46,58	31,10	4,47	0,80	2,55
4,5:1	0,8	19,41	9,17	47,36	29,55	2,78	0,53	2,44
	0,5	18,67	8,72	46,11	29,01	3,36	0,65	2,47
	0,2	18,27	8,49	45,67	28,98	4,04	0,76	2,50
6:1	0,8	19,60	9,05	46,65	28,37	2,56	0,41	2,38
	0,5	18,84	8,5	45,21	27,6	3,16	0,62	2,40
	0,2	18,30	8,23	44,66	27,36	3,76	0,71	2,44

Жадвалдаги маълумотларга кўра, фосфорит унининг нитрат тузларининг эритмалари билан ўзаро таъсирлашуви натижасида фосфат хом ашёси фаолланиши (ўзлашмайдиған P_2O_5 шаклининг ўзлашувчан шаклга ўтиши) содир бўлади. Каттик фазанинг қуритилған намуналарида $P_2O_{5\text{ўзл.}}$: $P_2O_{5\text{сумм.}}$ нисбати 44,97-48,32% ни ташкил этади, бу эса ушбу кўрсаткични дастлабки фосфорит унидаги – 18,49% ни бир неча баробар ошириб беради. АЭ:ФХ = 3:1 кичик нисбатида ва қолған бир хил шароитларда бўтқанинг қаттик қисмида $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ ва $CaO_{\text{ўзл.}}$ АЭ:ФХ = 6:1 га қараганда 2-3% га юқоридир. Бу АЭ:ФХ нисбатнинг ошиши билан суюқ фазага P_2O_5 ва CaO ўтишлар улушининг ортиши билан боғлиқдир. АЭ да $N_{\text{аммиак}}$: $N_{\text{нитрат}}$ нисбатининг ортиши билан $P_2O_{5\text{сумм.}}$ 19,6% гача ортади, кальций модули эса 2,38 гача камаяди (дастлабки - 2,7 дан).

Бўтқанинг суюқ фазасида эса АЭ:ФХ = 3:1 нисбатда $N_{\text{аммиак}}$: $N_{\text{нитрат}}$ нинг 0,2 дан 0,8 гача ортиши билан азот миқдори 8,96 дан 11,74% гача, АЭ:ФХ = 4,5:1 да 9,22 дан 14,72% гача ва АЭ:ФХ = 6:1 да 9,31 дан 14,74% ортади. Бунда $P_2O_{5\text{сумм.}}$ миқдори мос равишда 2,14 дан 2,26 гача; 1,43 дан 1,52 гача ва 0,72 дан 0,95% гача ортади. Мазкур жараёни амалга оширишда суюқ фазанинг бир қисми фосфорит унини қайта ишлаш босқичига қайтарилади, бошқа қисми эса таркибида 22,1 дан 29,77% гача озуқа компонентлари ($N+P_2O_5+CaO$) тутған суспендирланған ўғит сифатида тавсия этилади.

Кейинги босқичда фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар олиш учун дастлабки бойитилған фосфоритни АКН айланма эритмаси иштирокида нитраткислотали парчаланиш жараёни ўрганилди.

Ювилған концентратни (19,6% P_2O_5) парчалаш фосфат хом ашёдаги карбонат ва фосфат таркибий қисмига нисбатан 95-105% меъёрларида 56 %-ли HNO_3 билан ўтказилди. Жараён 30 дақиқа давомида 40°C да ўтказилди. Ҳосил бўлған қуюқ нитраткислотали бўтқа АКНАЭ билан Қ:С = 1:3 нисбатда суюлтирилди. Оқувчан бўтқа газсимон аммиак билан ҳар хил рН гача (2-7) нейтралланди. Аммонизация натижасида системада қўшимча равишда аммоний нитрати эритмаси ҳосил бўлади, қаттик фаза эса кальций фосфатлари билан бойитилди. Кейин қаттик фаза суюқ фазадан ажратилди, 95-100°C да қуритилди.

Аммонийлаштирилған нитрокальцийфосфат бўтқаларидан олинған суюқ ва қуритилған қаттик фазалар таҳлили кўрсатдики, рН нинг 2,6 гача ошиши билан суюқ фазада P_2O_5 миқдори 1,04% гача камаяди (3-жадвал). рН нинг 3,2 дан юқорироқ ошганида жами P_2O_5 батамом чўкмага тушади. Бўтқанинг рН ига боғлиқ равишда қаттик фазада ўзлашувчан P_2O_5 шаклининг нисбий миқдори трилон Б бўйича 79,14 дан 90,94% гача ва 2 %-ли лимон кислотаси бўйича 86,34 дан 94,64% гача ортади. Ўзлашувчан кальцийнинг нисбий миқдори 93,6-96,29% оралиғида ўзгаради. Аммо таъкидлаш лозимки, маҳсулотда $P_2O_{5\text{сумм.}}$ миқдори жами 12,7-16,36% ни ташкил қилади. Бу ҳолат унинг таркибида эрувчан АКН кўринишида 17,3 дан 21,34% гача азот мавжудлиги билан боғлиқдир.

Қаттик ўғитда фосфор миқдорини ошириш мақсадида уни сув билан 1 : 2 нисбатда ювилди, сўнгра қаттик фаза суюқ фазадан ажратилди, 95-100°C да

3-жадвал

Дастлаб ишлов берилган фосфоритни нитраткислотали парчаланган ва аммонийлаштирилган маҳсулотларнинг суюқ ва қаттиқ фазаларининг кимёвий таркиби

№	Бўтқа рН и	Суюқ фазанинг кимёвий таркиби, %			Қуритилган чўкмаларнинг таркиби, %						СаО:Р ₂ О ₅	$\frac{D_2I^{5\acute{o}n\grave{a}}}{D_2I^{5\acute{i}\grave{a}\grave{u}}}$ 0,2М тр Б буйича, %	$\frac{D_2I^{5\acute{o}n\grave{a}}}{D_2I^{5\acute{i}\grave{a}\grave{u}}}$ 2% ли лим. кис-таси буйича, %	$\frac{\tilde{N}\grave{a}I^{o\grave{n}\grave{a}}}{\tilde{N}\grave{a}I^{\acute{i}\grave{a}\grave{u}}}$ 2% ли лим. кис-таси буйича, %
		N	P ₂ O ₅	СаО	P ₂ O ₅ умум.	P ₂ O ₅ ўзл. 0,2М тр Б буйича	P ₂ O ₅ ўзл. 2% ли лим. кис-таси буйича	СаО _{умум.}	СаО _{ўзл.}	N _{мум.}				
1	нордон	9,55	3,24	8,90	6,13	-	-	20,6	-	4,75	3,36	-	-	-
2	2,0	11,75	1,5	7,43	13,33	10,55	11,51	25,15	23,54	17,3	1,89	79,14	86,34	93,6
3	2,6	11,55	1,04	6,7	16,36	13,43	14,56	26,73	25,28	20,8	1,64	82,09	88,99	94,57
4	3,2	11,17	0,08	5,3	14,63	12,16	13,01	27,86	26,44	21,34	1,91	83,11	88,92	94,9
5	4,5	11,2	-	5,25	14,23	12,25	12,9	27,16	25,77	20,9	1,91	86,08	90,65	94,88
6	5,0	11,2	-	5,23	13,23	11,43	12,24	25,48	24,25	19,82	1,93	86,39	92,52	95,17
7	6,1	11,32	-	5,20	13,20	11,97	12,22	25,74	24,58	20,06	1,95	90,68	92,57	95,49
8	7,0	11,6	-	5,13	12,70	11,55	12,02	25,1	24,17	19,9	1,98	90,94	94,64	96,29
Суюқ фазаларнинг ва ювиб қуритилган чўкмаларнинг кимёвий таркиби														
2	2,0	7,07	0,54	3,34	29,03	24,44	26,08	37,34	34,05	0,91	1,29	84,2	89,86	91,2
3	2,6	8,90	0,06	2,75	30,61	26,20	27,67	38,4	35,6	1,23	1,25	85,6	90,42	92,7
4	3,2	9,1	-	3,43	28,37	24,34	25,74	38,98	36,56	1,39	1,37	85,82	90,75	93,8
5	4,5	8,77	-	3,27	28,20	24,60	25,68	38,96	36,67	1,59	1,35	87,20	91,08	94,14
6	5,0	8,06	-	2,94	27,71	24,22	25,30	38,96	36,72	2,04	1,41	87,41	91,30	94,24
7	6,1	8,18	-	2,95	27,22	24,41	24,88	39,01	36,79	2,43	1,43	89,68	91,40	94,30
8	7,0	7,99	-	2,87	27,13	24,4	25,4	39,34	37,53	2,70	1,45	89,94	93,60	95,40

куритилди. Таҳлил натижаларига кўра, чўкмада P_2O_5 миқдори 2,0-2,2 баробар ошади ва 27,13-30,61% ни ташкил этади (3-жадвал). 0,2М трилон Б буйича P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли миқдори 21,8-23,47%, 2 %-ли лимон кислотаси бўйича эса - 22,75-25,23% ни ташкил этади. Ювилган чўкмаларда кальций модули ювилмаган чўкмаларга нисбатан 0,5-0,7 га кам пастдир.

Қаттиқ фазаларни ювиш ва ажратишда 7,07-9,1% N ва 2,75-3,43% CaO тутган кучсиз АКН эритмаси ҳосил бўлади. Фильтратнинг бир қисми АКНАЭ сифатида нитраткислотали бўтқани суюлтириш босқичига циркуляцияланади. АКН эритмасининг қолган қисми мақсадли маҳсулотга қайта ишлаш мумкин. Эритмани чуқур буғлатиб донадорланган кальцийли селитра олиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки маҳсулот ёмон физик-кимёвий хоссаларга эгадир. Шунинг учун кальций нитратини CO_2 ва NH_3 ёрдамида аммиакли селитра ва кальций карбонатига конверсия қилиш амалий жиҳатдан қизиғиш уйғотади.

Ca^{2+} , $2NH_4^+/(2NO_3^-)$, CO_2-H_2O ўзаро системалари назарий таҳлили билан аниқланган мақбул шароитларда ($\frac{(NH_4)_2CO_3}{Ca(NO_3)_2}$ нисбати ва ҳарорат) Марказий

Қизилқум карбонатли фосфоритларини нитраткислотали парчалаш маҳсулотлари – аммоний нитрати эритмаларидаги кальций нитратни аммоний карбонати билан конверсия қилиш жараёнининг амалий тадқиқотлари ўтказилди. Жараённинг техноаналитик кўрсаткичларига $N_{аммиак} : N_{нитрат}$ нисбати ва АКН эритмаларининг концентрацияси таъсири ўрганилди. Аниқландики, $N_{аммиак} : N_{нитрат}$ нисбатнинг 0,4:0,6 дан 0,8-0,2 гача ошиши ва АКН эритмалари концентрациясининг камайиши билан кальций нитрати конверсияси ҳамда нам кальций карбонатининг филтрланиш унуми мос равишда 80,0 дан 99,9% гача ва 0,6 дан 2 т/м²·соатгача ортади. Кальций карбонати таркиби ГОСТ «Кимёвий чўктирилган мел» талабларига тўлиқ мос келади ва уни тўлдирувчи, қурилиш материали ёки тупроқларни охаклаш воситаси сифатида қўллаш мумкин. Аммоний нитрати эритмаси эса айланма эритма ёки суюқ азотли ўғит сифатида қўллаш мумкин.

Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини қайта ишлаш асосида олинган азотфосфорли ва фосфорли ўғитларнинг рентгенографик ва ИК-спектроскопик тадқиқотлари кўрсатдики, NP-ўғитларнинг компонентлари дикальцийфосфат, парчаланмаган фтор- ва гидроксилапатитлари; аммоний ва кальций нитратлари, фосфорли ўғитлар эса дикальцийфосфат, парчаланмаган фтор- ва гидроксилапатитлар, шунингдек кам миқдорда АКН тузларидан ташкил топган.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Паст навли фосфоритларни қайта ишлашнинг графаналитик назоратини ва принципиал технологик тизимини ишлаб чиқиш**» Марказий Қизилқум фосфоритларини нитраткислотали қайта ишлаш асосида бирламчи фосфорли ва суюқ азоткальцийли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга бағишланган.

Карбонатли фосфоритларни нитраткислотали қайта ишлаш маҳсулотларини ташиш нуқтаи назаридан кейинги босқичларда дастлабки

фосфат хом ашёсини АКН айланма эритмаси билан ишлов беришда ҳосил бўлган суспензияларнинг зичлик ва қовушқоқлиги қийматлари муҳим ҳисобланади. Аниқловчи параметрлар АКНАЭ:ФС дастлабки нисбати, АКНАЭ концентрацияси, АКНАЭ даги аммиакли ва нитратли азот нисбати ($N_{\text{аммиак}}: N_{\text{нитрат}}$) ва жараён ҳарорати ҳисобланади. Паст навли фосфоритларни 40% ли айланма эритма ва $N_{\text{аммиак}}:N_{\text{нитрат}} = 0,2$ нисбат билан ишлов беришда ҳосил бўлган суспензиянинг зичлигини ($d=1,35 \text{ г/см}^3$) сақлаш учун АКНАЭ:ФХ нисбати ва ҳарорат мос равишда 6:1 ва 60°C бўлиши лозим.

Паст навли фосфоритларга айланма эритмалар билан ишлов беришда асосий параметрларни аниқлашни жадаллаштириш учун тажриба натижалари асосида диаграмма ишлаб чиқилди (3-расм), бу эса мос қийматлардаги зичлик, Қ:С ва ҳароратларда суяқ фазада концентрацияни ва $N_{\text{аммиак}}:N_{\text{нитрат}}$ нисбатини олдиндан белгилаб беришга имкон беради.


